



## ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Халиков А.А.*

*Низомий номидаги ТДПУ профессори,  
педагогика фанлари доктори*

*Ортиқова Д.М.*

*Низомий номидаги ТДПУ Бошланғич  
таълим 3-босқич талабаси*

**Таянч сўзлар:** нотиклик қобилияти, нутқий маҳорат, овоз, матн, нутқий кўникма, оғзаки нутқ, сўзлашув санъти, ифодалилик, мантик ва тафаккур, жарангдор, ёрқинлик.

**Ключевые слова:** речевая способность, речевые навыки, голос, текст, речевое мастерство, устная речь, красноречие, выразительность, логика и мышление, звучность, яркость.

**Key words:** speech ability, speech skills, voice, text, speech skills, oral speech, eloquence, expressiveness, logic and thinking, sonority, brightness.

Сўнгги ўн йилликларда синф жамоаси ўқувчилари онгида ўқитувчи нутқининг турли ва ранг-баранг қолиплари, мулоқот шакллари – албатта дўриллаган баланд овоз, қатъий насиҳат оҳанги, ўқувчи хулқини баҳолаш, танбех бериш ва огоҳлантиришни билдирувчи буйруққа кўр-кўрона бўйсунушга ундайдиган талабчанлик шакллари ўрнашиб қолмоқда. Ҳатто “ўқитувчи оҳангида гапириш”, “ўқитувчининг темирдай жарангдор овози”, “норозилигини қўпол сўзларда баён этиш”, “албатта пайти келиб ўқувчини баҳо билан жазолаш” каби ифодалар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу ифодалар билан мазкур ходисаларни пайдо бўлишига сабабчи ўқитувчиларга нисбатан салбий муносабат билдирилаяптими? Бундан ташқари, овоз инсон касбий мартабасининг ошишига ёрдам беради, ёки аскинча тўсқинлик қилади. Ингичка, чийилдоқ овозли журналистни, ёки қулоқни қоматга келтирадиган, манқа овозли машҳур сиёсат арбобини тасаввур қила оласизми?

Нотиклик санъатининг келиб чиқиши тарихи алломаларимиз асарларида баён этилган. Марказий Осиёда XII асрдан бошлаб воизлик санъати назари-



яси ва амалиётини тарғиб қилувчи кўплаб илмий ва услубий рисоалар ёзилган. Жумладан, алломалар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Унсурал Маолий Кайқовуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Назмужавохир”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ”, Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Муҳаммад Рафиқ Воизнинг “Аҳбоб ул-жинон”, Қурайш Саидийнинг “Анис ул-воизин” каби асарлари ўзларининг ноёб маълумотлари билан Марказий Осиёда “воиз”-лик санъати хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Воизлик санъати намоёндалари тингловчиларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи ҳамда лавозимларини ҳисобга олган ҳолда уч йўналиш бўйича фаолият кўрсатишган. Биринчиси, султониёт, яъни ҳукмдорлар ҳамда юқори табақали аёнлар учун мўлжалланган ваъзхонлик бўлиб, унда ҳамду санолар айтилган, уларнинг обрў эътибори, мартабаси, фаолиятлари улуғланиб мақталган. Иккинчиси, жиҳодия, яъни ватан ҳимоячиларига мўлжалланган ваъзхонлик бўлиб, унда ватанпарварлик, жанговарлик, ботирлик, қаҳрамонлик, фидойилик улуғланган, душманга нисбатан шафқатсиз бўлиш ифодаланган. Учинчиси, ғарибона деб аталиб, асосан мамлакатнинг оддий фуқароларига мўлжалланган ваъзхонликдир, унда барча фуқаролар асосан итоаткорликка, меҳнатсеварликка чақирилган. Воизликнинг ҳар бир йўналиши ўзига хос оҳангга, усулга, жозобага эга бўлган. Воизлар нутқда маълум бир муваффақиятга эришиш учун ҳар бир сўзнинг, тушунча ва оҳангнинг бадиий жиҳатдан юксак ва таъсирчанлигини таъминлаб, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, ғоя, мафкура ва хулосани тингловчиларга етказиш мақсадида суҳандонлик (риторика) фанини пухта ўзлаштиришган.

Педагог-тадқиқотчи И.Р.Калмикова ўз асарларида, матн мазмунан қанчалик қизиқарли ва ифодали баён этилган бўлмасин, агар у сўзловчи-нотик томонидан тушунарли тарзда, бўғик, кучсиз, дағал, ифодасиз овоз билан айтилса, тингловчилар томонидан мутлақо қабул қилинмайди. Гапириш пайтида нутқнинг мазмуни, нотикнинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши каби овози ҳам улкан аҳамиятга эга. Овоз ёрдамида у ўз маълумотини аудиторияда ўтирган тингловчиларга етказди. Инсон овози – оммага таъсир қилишда қудратли воситадир.

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,

Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт. –

деб таъриф беради сўзнинг қудратига Алишер Навоий.

Унсурул Маолий Кайқовус сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосаларни кўз олдига келтириб гапириш кераклигини, киши ақл-идрокли бўлиши, ўзини халқ орасида омий, камтар тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини таъкидлайди, ҳамда “Одамларда мавжуд барча қобилиятларнинг энг яхшиси нутқ қобилиятидир” дейди.

Нотик ўзининг чиройли, жарангдор ва таъсирчан овози туфайли илк дақиқаларданоқ тингловчилар диққатини жалб қилади, уларнинг қалбидан жой олиб, ишончини қозонади.

В.Д.Сухомлинский ўқитувчининг "...мактаб ҳовлисида гапирган ҳар бир сўзи пухта ўйланган, ақл ва мулоҳазаларга бой, маълум бир тарбиявий мақсадга қаратилган бўлиши керак" деб таъкидлайди. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи олимнинг фикрича, нафақат ўқувчи кулоғига айтилади, балки унинг қалбига ҳам қаратилган бўлиши шарт.

“Нутқий маҳоратга ўргатиш психологияси” номли китоб муаллифлари (М., 1999) Б.Ц.Бадмаев ва А.А. Мальшев каби олимлар анъанавий таълимда нутқий кўникма, яъни инсоннинг ўз фикрини сўз ва гапларда акс эттира билиш кўникмалари махсус таълим натижаси эмас деб ҳисоблашади. Ўз фикр-мулоҳазаларини нотиклик маҳорати билан суҳбатдошига ифодалаб бериш инсонга асосан бетартиб равишда, ўз-ўзидан, тасодифан, бўлак-бўлак тарзда берилади. Унда ҳам барча одамларга баробар нотиклик қобилияти пайдо бўлавермас экан.

Ўқувчиларни мактаб партасидаёқ нутқ маданиятига ўргатиш –бу биринчи навбатдаги зарурият, ҳозирги давр талаби. Зеро, баъзан одамларга оддий бир арзимас воқеликни ҳам асл моҳиятини,нарсаларнинг аниқ ҳолатини нутқ ва сўз қудрати билан исботлашга тўғри келади. Демак ҳар қандай касб эгаси аввало сўзлашув ва нутқ маданиятини билиши, ўз фикр мулоҳазаларини аниқ, равон тил билан суҳбатдошига етказа оладиган билим ва савияга эга бўлиши керак. Бунда ўқитувчининг педагогик маҳорати асосий мезонларидан бири бўлмиш нотиклик қобилиятини мукамал эгаллаши муҳим аҳамият касб этади. Зеро у мамлакатимизда демократик жамият куришга жавобгар шахсни тарбиялаб вояга етказади. Ёш авлодни келажакда рақобатбардош кадр бўлиб етишиши учун аввало ўқитувчи зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Ушбу муҳим вазифалардан бири фуқароларда сўзлашиш ва нутқ маданиятини шакллантиришдир. Ўз фикр ва мулоҳазасини она тилида сўз ва нутқнинг чексиз қудрати билан тўғри тушунтириб изҳор этолмайдиган ўқувчидан келажакда рақобатбардош кадр етишиб чиқиши мумкин эмас. Шунинг учун ўқитувчи қайси фандан ўқувчиларга билим



беришидан қатъий назар, аввало ўзи чиройли сўзлашув санъатини ва нотиклик маданияти сирларини пухта эгаллаши лозим. Шунда у ўқувчилар онгига ҳам сўзлашув санъати ва маданиятини, нутқ қобилияти сирларини сингдира олади.

Ўқитувчининг оғзаки нутқи иккита шаклда – монолог (монологик нутқ) ва диалог (диалогик нутқ) шаклига бўлиниб ўрганилади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотида бундай нутқнинг иккала шакли ранг-барангликни кашф этади. Ҳикоя, маъруза, изоҳ, қонун, қоида ва атамаларнинг тўғри талқини, кенгайтирилган баҳолаш мулоҳазалари кабилар монологик нутқнинг анча кенг тарқалган турлари саналади. Диалогик нутқ ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган дарс ва дарсдан ташқари турли мавзулардаги суҳбатлари шаклида берилади. Бундан ташқари, педагогик амалиётда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро саломлашишни, баҳолаш туфайли юзага келадиган тушунмовчиликларни, ҳар хил мулоҳазалар билан ўзаро фикр алмашиш заруриятини билдирадиган, мавҳум муаммоларни, фавқулотда ходисаларни, ахлоқ меъёрларини муҳокама қилишни талаб қиладиган вазиятлар ҳосил қилинади.

Ўқитувчининг нутқи педагогик фаолиятига мос келадиган муайян талабларга жавоб бериши лозим:

- мукамал меъёрларга эга бўлиши (ҳозирги замон адабий тилига хос бўлган акцентологик, орфоэпик, грамматик меъёрларга мос келиши лозим);
- сўзларни қўллашда аниқлик (сўзлар жарангдор, мулойим ва аниқ талаффуз этилиши);
- ифодалилик (образлилик, ҳиссийлик, ёрқинлик). Умуман нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, ўринли қўлланилиши, луғавий жиҳатдан бойлиги, ифодалилиги, софлиги каби сифатлари ўқитувчининг нотиклик маданиятини белгилайди.

Ўқитувчининг нутқи ёш авлодга таълим ва тарбия бериш вазифаларини бажарилишини таъминлайди. Ўқитувчи ўз нутқининг мазмуни, сифат ва самарадорлиги, унинг натижасида пайдо бўладиган оқибатлар учун ижтимоий масъулдир. Шунинг учун ўқитувчи нутқи унинг педагогик маҳоратида муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолият деб эътироф этилади.

Ф.Н.Гоноболин ва Т.А.Ладыженская каби олимларнинг таъкидлашича, “ўқитувчининг нутқи” (синоними – “педагогик нутқ санъати”) адабий тил қоидаси бўйича, сўз бирикмасида ўқитувчининг оғзаки нутқи (ёзма нутқдан фарқ қиладиган) ҳақида гап борганидагина ишлатилади. Оғзаки нутқ деганда ҳам гапириш жараёнини, ҳам бу жараённинг натижаси бўлмиш оғ-



заки фикр-мулоҳазани назарда тутишади. Ўқитувчининг оғзаки нутқи—бу овоз чиқариб гапириш пайтида (овоз чиқариб ўқилган ёзма нутқ, масалан дарсликда берилган мавзунинг бандини овоз чиқариб ўқишдан фарқ қиладиган) ҳосил қилинадиган нутқдир.

Нутқий фаолият бутун таълим-тарбиявий жараённи камраб олади. Шу сабабли нутқнинг қуйидаги сифатларини алоҳида тавсифлаш мумкин:

1) бадий адабий тил нормаларининг талаффузига риоя қилиш (урғу, грамматика, орфография);

2) нутқнинг предметли ва тушунчавий жиҳатдан аниқлиги;

3) мантиқ ва тафаккур қонуниятларига мос келадиган даражада тил бирликларининг нутқда маъно жиҳатидан бирикишида намоён бўладиган мантиқийлиги ва узвийлиги;

4) ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган, адабий тилга бегона бўлган унсурлардан ҳоли бўлган соф нутқ тили;

5) нутқнинг ифодалилиги – ўқитувчилар ва ўқувчилар диққатини ва қизиқишини сусайтирмасликка ёрдам берадиган тузилмавий ўзига хос нутқ;

6) нутқнинг бойлиги (ранг-баранглиги) – бир хил белгили сўзлар занжирининг ва маъноли сўзларнинг такрорланмаслиги, тил тузилмасининг хилма хиллиги (сўзлар, сўз бирикмаларга бойлиги, луғавий, фразеологик, семантик жиҳатдан бойлиги);

7) тилнинг барча воситаларини боғлаб турадиган ва эстетик функцияга эга бўлган нутқнинг нафислиги (эстетикаси) .

Ўқувларни касбга, ижтимоий фойдали меҳнатга қизиқтириш, уларни келгусида қизғин ҳаётга тайёрлаш, асосан мулоқот қилиш қобилиятларини ривожлантириш лозим.

Нотиклик ёки нутқий фаолият бўлажак ўқитувчилардан нотиклик санъатини ўзларида шакллантириш учун маълум бир махсус қобилиятларга эга бўлишни талабю қилади:

- ижтимоий перцептив қобилият;
- ижтимоий тасаввур қобилияти;
- ўзини бошқара олиш қобилияти;
- мулоқотда ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олиш қобилияти;
- иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- ишонтира олиш қобилияти.

“Педагогик нутқ” тушунчаси билан “ўқитувчининг коммуникатив муомаласи” тушунчаси бир-бири билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Машҳур психолог олим А.А.Леонтьев «Педагогик мулоқот» номли китобида коммуникатив мулоқот деганда фақат гапириш жа-



раёнини ва ахборот етказишни эмас, балки ўзаро муносабатлар табиатига таъсир қиладиган таъсирчан нутқни ташкил қилишни, ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотидаги ҳиссий-руҳий муҳитни ҳам назарда тутган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқитувчининг нотиклик қобилияти ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Умуман, нутқий фаолият турларининг таснифи замирида ҳали ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд. Улар хилма-хил таърифларга эга бўлиши мумкин. Жумладан, шундай муаммолардан бири ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамоат жойларда қўлланиладиган нутқий фаолиятдир. Жамоат жойларда қўлланиладиган нутқий фаолиятнинг ижтимоий-сиёсий, касбий-ишлаб чиқаришга оид, ўқув-педагогик, академик (илмий), суд жараёнига оид, дипломатик, ижтимоий-маиший каби турларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Апресян Г.З. Ораторское искусство. М., Изд-во МГУ, 1978. – 280 с.
2. Нестерова Т.Г. Учебная задача как средство развития речевой деятельности студентов // Материалы Всероссийской научно-практической конференции. – Оренбург, 2010.- Ч. 4.
3. Бочкарёва Т.С. Развития речевой культуры студентов //Вестник Оренбургского государственного университета, 2001.- №. 2.
4. Калмыкова И. Р. Работа над техникой речи в курсе школьной риторики. — Ярославль, 1997.
5. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад- Ризо Огахий таржимаси): С.Долимов. – Т., Ўқитувчи, 2006. – 208 б.
6. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Т.: Ўзб. Миллий кутубхонаси, 2007. – 185 б.
7. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
8. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15-том.- Т.: “Фан” 2005.
9. Основы культуры и искусства речи: учеб.пособие / Т. Ф. Посадскова и др; под ред. В. А. Лапшина и Ю. П. Богачева. - М., 1999. - С. 28

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқитувчи касбий маҳоратида нотиклик қобилиятининг энг муҳим санъат сифатида намоёт бўлиши, таникли олимлар илмий тадқиқот ишларида етакчи муаммолардан бири бўлиб келганлиги, унинг бугунги кундаги аҳволи, ривожлантириш зарурияти, замонавий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Муаллиф ўқитувчи педагогик фаолиятида нотиклик қобилияти сирларини пухта эгаллаши қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаш билан, уни янада такомиллаштириш йўллари эритиб берган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется проявление ораторского искусства как важнейшего искусства в профессиональном мастерстве педагога, то, что необходимость его развития стала одной из ведущих проблем в научно-исследовательской работе известных учёных. Автор подчеркнул, насколько важно учителю овладеть секретами ораторского искусства в своей педагогической деятельности и выделил пути его дальнейшего совершенствования.

#### SUMMARY

This article analyzes the manifestation of oratory as the most important art in the professional skill of a teacher, the fact that the need for its development has become one of the leading problems in the research work of famous scientists. The author emphasized how important it is for a teacher to master the secrets of oratory in his teaching activities and highlighted ways for its further improvement.